



Manzil: 131100. Uchtepa daxasi Mustaqillik ko'chasi. Tel 342-13-33 Fax 342-10-18

«29» 05

2020 yil

№ 01-562

Sharof Rashidov tumani

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик
партияси Сиёсий Кенгаши раиси
Н.М. Умаровга

Хурматли Наримон Маджитович!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига ёрдам кўрсатиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган “Саҳоват ва кўмак” умумхалқ ҳаракати барча юртдошларимиз каби бизнинг Жиззах вилояти аҳли, хусусан Шароф Рашидов тумани аҳолиси томонидан ҳам кенг қўллаб-қувватланди.

Жорий йилнинг 1 май куни Сирдарё вилояти Сардоба сув омбори билан боғлиқ сув тошқинида азият чеккан минглаб ватандошларимиз хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилинди. Сув тошқинидан талофат кўрган кўплаб сирдарёлик юртдошларимиз Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов туманига ҳам келтирилди.

“Саҳоват ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида Сардоба сув омбори билан фавқулудда вазиятда Шароф Рашидов туманига жойлаштирилган сирдарёликларга Ўзбекистон “Адолат” СДП вилоят ва партиянинг туман Кенгаши томонидан кўрсатилган саҳоват ва кўмакни алоҳида таъкидлаш жоиз. Сардоба сув омбори тошқинидан азият чеккан ҳамюртларимизга партиянинг вилоят ва Шароф Рашидов туман Кенгашлари томонидан кийим-кечаклар, кўрпа-тўшаклар, уй-рўзгор буюмлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, антицептик ва дори-дармон воситалари етказиб берилди.

Шароф Рашидов туман ҳокимлиги “Саҳоват ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида кўрсатган инсонпарварлик ёрдамлари учун Сиз раҳбарлик қилаётган жамоага миннаддорчилик билдиради.

Хурмат билан,

Туман ҳокими

— М.П.Холбутаев